


## “ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси  
Бош Давлат санитария вақри,  
Кенгаш раиси

Б. Юсупалиев

2022 йил 14 апрел



Республика Санитария-эпидемиология кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси  
Бош давлат санитария вақри хузурида жорий йилнинг 1-чорагида муҳокама  
қилинадиган масалалар юзасидан ўтказилган йиғилиш

### 1-сон БАЁНИ

2022 йил 14 апрел

Тошкент ш.

- Раислик қилувчи:** – **Б.Қ. Юсупалиев** – Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария вақри, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи
- Иштирок этдилар:** – Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарлари ва кун тартибда кўриладиган масалаларга тегишли ходимлари *(рўйхат бўйича марказий ва жойлардаги студиялардан)*

### КУН ТАРТИБИ:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2022 йил 18 март кун тиббиёт ходимлари билан ўтказилган “Ўзбекистон тиббиёти - инсон қадри учун” мавзусидаги учрашувда белгиланган вазибалардан келиб чиқиб, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматида шаффоф тизим фаолиятини ташкил этиш бўйича зарур чоралар тўғрисида.

Санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти томонидан амалга оширилаётган тадбирлар, мавжуд муаммолар ва келгусидаги истиқболли вазибалар тўғрисида.

Республика ўлат профилактика маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан 2021 йилда амалга оширилган ишлар, мавжуд муаммолар ва келгусидаги вазибалар тўғрисида.

Республика ва ҳудудий ОИТСга қарши кураш марказлари томонидан амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида.

Республикада ўткир парентерал ва сурункали вирусли гепатитлар билан касалланиш ҳолати ва олиб борилаётган профилактик ҳамда эпидемияга қарши кураш чора-тадбирлари самарадорлиги тўғрисида.

(Юсупалиев, Маманов, Юлдашев, Саидалиев, Камилова, Кудашева, Мустафаев, Атабеков, Юсупалиев)

Кенгашнинг кун тартибда кўриладиган масалалар билан йиғилиш иштирокчилари таништирилди. Кенгаш аъзолари томонидан кун тартибига эътирозлар билдирилмади ва бир овоздан маъқулланган ҳолда, тасдиқланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2022 йил 18 март кун тиббиёт ходимлари билан ўтказилган

“Ўзбекистон тиббиёти - инсон қадрини учун” мавзусидаги учрашувда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматида шаффоф тизим фаолиятини ташкил этиш бўйича Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар батафсил тушунтирилди.

Мамлакат аҳолиси ўртасида эпидемиологик вазият, санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш борасида кузатилаётган мавжуд муаммолар, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлашда йўл қўйилаётган камчиликлар муҳокама қилинди.

**Кун тартибидаги барча масалалар юзасидан берилган маълумотлар ва билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида, Кенгаш қўйидаги тартибда қарор қилади:**

***1-масала: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2022 йил 18 март куни тиббиёт ходимлари билан ўтказилган “Ўзбекистон тиббиёти - инсон қадрини учун” мавзусидаги учрашувда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматида шаффоф тизим фаолиятини ташкил этиш бўйича зарур чоралар тўғрисида.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2022 йил 18 март куни тиббиёт ходимлари билан ўтказилган “Ўзбекистон тиббиёти - инсон қадрини учун” мавзусидаги учрашувда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматида шаффоф тизим фаолиятини ташкил этиш бўйича Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан қўйидагилар таъкидланди:

Сўнгги йилларда Санитария-эпидемиология хизматида алоҳида эътибор қаратилиб, унинг стратегик аҳамиятига ижобий баҳо берилиб, бир қатор ишлар амалга оширилди.

Коронавирус пандемияси даврида Санитария-эпидемиология хизмати бўйича қабул қилинган Фармон ва қарор асосида Санэпидхизматнинг республикадан-тумангача бўлган яхлит тизими шакллантирилди, ваколат ва вазифалари кенгайтирилди. Қабул қилинган фармон ва қарорлар доирасида тизимда қатор ислоҳатлар амалга оширилди.

Санитария-эпидемиология хизматининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида 243,4 млн. долларлик 5 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда;

Ўзбекистон Республикаси ва Осиё тараққиёт банки, Осиё инфротузилмавий инвестициялар банки 165 млн доллар кредит маблағлар ҳисобига 263 та муассасалар моддий-техника базасини янгилаш, кадрлар салоҳиятини кўтариш АКТ ривожлантириш ишлари амалга оширилади;

ҳалқаро ҳамкорликни, шу жумладан, Германиянинг Роберт Кох, Франциянинг Луи Пастер институтлари, Роспотребнадзор, KOICA, CDC каби ташкилотлар билан Санитария-эпидемиология хизмати ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилди;

Соҳада бугунги кунгача амалга оширилаётган ислоҳотлар билан бир қаторда, ижросини кечиктириб бўлмайдиган кўплаб истиқболли вазифалар турибди. Бу вазифаларни ҳамжихатликда, бирдамликда, ҳалол ҳамда қонун устиворлиги руҳида амалга ошириш учун ҳар бир ходимдан масъулият ва жавобгарлик талаб этилади.

Шу боисдан ҳам, давлат раҳбари Хурматли Мирзиёев Шавкат Миромонович ўз ваколатига киришиши билан Президент сифатида имзо чеккан энг биринчи ҳужжат “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бўлди. Ушбу қонун белгилаб берган нормаларнинг самарали ижросини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида Президентнинг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2752-сон қарори билан “2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури” қабул қилинди.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг:

2021 йил 24 июлдаги 89-сон буйруғи билан хизматнинг коррупцияга қарши сиёсати тасдиқланди;

2021 йил 16 августдаги 98-сон буйруғи билан хизмат ва унинг қуйи ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат гуруҳи ташкил этилди;

2022 йил 12 апрелдаги 29-сон буйруғи билан тизимда коррупцияга қарши курашиш фаолияти такомиллаштирилди ҳамда мазкур йўналишнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган ходимларнинг ўз мавқеи ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва хизматнинг ички ҳужжатларига мувофиқ, қатъий чоралар кўрилади, керак бўлса соҳада умуман ишлатмаслик бўйича қарорлар қабул қилинади.

Ҳар бир ходим коррупциявий ҳаракат содир этилганига доир ишончли ва асосли маълумотлар мавжуд бўлганда, уларнинг раҳбарга тўсиқсиз мурожаат қилишига имконият яратилади.

Соҳа ривожини учун зарур бўладиган товар-моддий бойликлар ва хизматларни амалга оширишда таъминотчи корхоналар, пудратчилар ҳамда бошқа контрагентларни танлашнинг ҳалол, очиқ ва шаффоф тартибини жорий этилади.

Турли текширувлар, ўрганишлар, мониторинг ўтказишда ходимларнинг хулқ-атвор, одоб-ахлоқ тамойилларига мувофиқ ҳолис муносабатда бўлиши, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича амалий ҳаракатларни олиб борилади ва бу ҳолатни ҳар бир ходим онгига сингдирилади.

Коррупция ва унга олиб келувчи ҳолатлар тўғрисида виждонан хабар берган ходимнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, фаол хизматлари учун рағбатлантириш чоралари кўрилади.

Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ходими (С.Маманов) жамиятнинг барча бўғинлари қатори Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматида кузатилаётган коррупция ҳолатлари, уларга олиб келувчи сабабларни туб негизига етиб, унга қарши курашиш, ҳар бир жамоада профилактик тадбирларни амалга ошириш, ходимларнинг ҳуқуқий

саводхонлигини ошириш, мазкур жараёнларда раҳбар кадрлар бошқа ходимларга намуна бўлиши кераклиги таъкидланди.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматида коррупцияга қарши кураш ишларини такомиллаштириш ва соҳада шаффоф тизим фаолиятини ташкил этиш мақсадида, Кенгаш қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2022 йил 18 март куни тиббиёт ходимлари билан ўтказилган “Ўзбекистон тиббиёти - инсон қадрини учун” мавзусидаги учрашувда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматида шаффоф тизим фаолиятини ташкил этиш бўйича Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар маълумот учун қабул қилинсин.

2. **Биринчи ўринбосар** (Х. Норбоев), **ўринбосарлар** (Н. Атабеков, Б. Қурбонов, Қ. Ҳайитов):

**уч кун муддатда:** аҳоли хонадонларини санитария жиҳатидан такомиллаштириш ва мазкур йўналишдаги фаолиятни амалга ошириш жараёнида фаол иштирок этган ходимларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш тўғрисида Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғининг буйруғи лойиҳасини тайёрласин. Унда:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2022 йил 18 март куни тиббиёт ходимлари билан ўтказилган “Ўзбекистон тиббиёти - инсон қадрини учун” мавзусидаги учрашувда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ходимлари томонидан аҳоли хонадонларини санитария жиҳатидан такомиллаштириш тизимини ва мазкур йўналишдаги фаолиятни амалга ошириш жараёнида фаол иштирок этган ходимларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш;

Санитария-эпидемиология хизматида шаффоф тизимни жорий этиш;

Санитария-эпидемиология хизмати ходимлари томонидан аҳоли хонадонларини санитария жиҳатидан такомиллаштириш ва мазкур йўналишдаги фаолиятни амалга ошириш жараёнида фаол иштирок этган ходимларни рағбатлантириш категорияси;

аҳоли хонадонларини санитария жиҳатидан такомиллаштириш жараёнида ходимларнинг иштирок этиш даражасини ўрганиш ва рағбатлантириш бўйича ишчи гуруҳи таркиби;

аҳоли хонадонларини санитария жиҳатидан такомиллаштириш жараёнида ходимларнинг иштирок этиш даражасини ўрганиш бўйича ҳудудий бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари ишчи гуруҳи таркибининг намунавий шакли кўзда тутилсин.

3. **Санитария-эпидемиология хизматининг барча таркибий муассасалари раҳбарлари:**

**беш кун муддатда:** Санитария-эпидемиология хизмати тизимида шаффофликни таъминлаш бўйича барча ходимлар иштирокида ўтказиладиган жамоа йиғилишида ўқиб эшиттирилиб, Санитария-эпидемиология хизматида коррупцияга қарши курашиш, шаффоф тизим ташкил этиш ва ушбу масаланинг долзарблигини ҳар бир ходим эътиборига етказилиши;

**бир ҳафта муддатда:** барча муассасаларда коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул ходим тайинланиши ва ҳар томонлама намунали кадрлардан иборат алоҳида тузилма ташкил этилиши;

коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси фаолиятини йўлга қўйиш, масъул ходимларни буйруқ билан бириктирилиши;

коррупцияга қарши ички назорат ходимлари коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш учун профилактика ишларини олиб борилиши;

Санитария-эпидемиология хизматининг 2022 йил 12 апрелдаги 29-сон буйруғи иловалари билан тасдиқланган коррупцияга қарши фаолиятни тизимли ташкил этиш бўйича ҳужжатлар асосида ҳар бир муассаса ўзининг ички идоровий ҳужжатини тайёрлаб тегишли ишларни амалга оширилиши;

коррупцияга мойил соҳа ва йўналишларни аниқлаш ва олдини олиш чоралари самарадорлигини оширилиши;

манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш ва кўриб чиқиш, бўш иш ўринларига номзодларни тайинлаш ва тайинлашда манфаатлар тўқнашувини олди олиниши бўйича ҳаракатлар олиб бориш;

ходимларнинг мазкур йўналишда касбий малакаларини ошириб боришни ташкил этилиши;

ходимлар ўртасида коррупцияга қарши курашиш бўйича мунтазам назорат олиб борилиши ва ҳалол хизматини рағбатлантирилиши таъминлансин.

#### **4. Санитария-эпидемиология хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари:**

**беш кун муддатда:** буйруқнинг Санитария-эпидемиология хизмати ходимлари томонидан аҳоли хонадонларини санитария жиҳатидан такомиллаштириш ва мазкур йўналишдаги фаолиятни амалга ошириш жараёнида фаол иштирок этган ходимларни рағбатлантириш категориясини барча туман (шаҳар) бўлимлари жамoa йиғилишида батафсил тушунтирилиши;

**бир ҳафта муддатда:** Санитария-эпидемиология хизмати ходимларининг аҳоли хонадонларини санитария жиҳатидан такомиллаштириш жараёнида иштирок этиш даражасини ўрганиш бўйича ҳудудий ва туман (шаҳар) даражасидаги ишчи гуруҳлар таркибини идоровий буйруқ асосида тасдиқланиши;

мазкур фаолият бўйича ҳар ой якунида аъло ва яхши кўрсаткич олган ходимларни ўрнатилган тартибда моддий рағбатлантириш чоралари кўрилиши;

ҳудудий ишчи гуруҳлар ҳулосасига кўра, ҳар чорак якуни бўйича кўкрак нишонлари ва давлат мукофотларига тавсия этиладиган ходимлар рўйхати ўрнатилган тартибда, асословчи материаллар асосида Санитария-эпидемиология хизматида тақдим этиб борилиши таъминлансин.

**5. Белгилансинки,** Санитария-эпидемиология хизматининг туман (шаҳар) бўлимлари ходимлари томонидан аҳоли хонадонларини санитария жиҳатидан такомиллаштириш бўйича иштироки юзасидан тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун Санитария-эпидемиология хизматининг ҳудудий бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари шахсан жавобгар ҳисобланадилар.

**6. Бошлиқнинг биринчи ўринбосари (Х. Норбоев), ўринбосарлар (Н. Атабеков, Б. Курбонов, Қ. Ҳайитов):**

мазкур йўналишда белгиланган вазифаларнинг тегишли муддатларда ижроси таъминланиши бўйича мунтазам назорат олиб борилиши ва ходимларнинг масъулияти ҳамда жавобгарлиги оширилиши;

жойларда амалга оширилаётган ишлар ҳар ҳафтада муҳокама қилиниб, натижаси юзасидан раҳбариятга тегишли таклифлар киритиб борилиши таъминлансин.

**7. Жамоатчилик билан алоқалар бўлими (М.Саидова), Ахборот-коммуникацияларини ривожлантириш бўлими (Ж.Омонов):**

белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, амалга ошириладиган ишлар Санитария-эпидемиология хизматининг расмий веб-сайти ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам ёритиб борилсин.

***2-масала: Республикада ОИВ инфекциясини олдини олиш бўйича амалга оширилган тадбирлар тўғрисида.***

Республика ОИТСга қарши кураш маркази директори Қ.Юлдашевнинг “Республикада ОИВ инфекциясини олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида”ги маърузасини тинглаб, қуйидагилар таъкидланди:

Республикада ОИВ инфекцияси тарқалишини олдини олиш борасида ўтган йиллар давомида қатор ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3493-сонли, 2018 йил 22 июндаги ПҚ-3800-сонли қарорлари доирасида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилган.

Сўнгги йилларда республикада ОИВ инфекцияси билан касалланган ҳомиладор аёллар ва улардан туғилган болалар ўртасида профилактик чора-тадбирларни мақсадга йўналтирилган ҳолда ташкиллаштирилганлиги сабабли, ОИВ инфекциясининг онадан болага юқиш кўрсаткичлари камайиб бормоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлар натижасида республикада ОИВ инфекциясини онадан болага (вертикал) юқиш кўрсаткичи 2010 йилга (2,6%) нисбатан 2021 йилда 8,3 мартага камайиб, 0,7% ни ташкил этди. Мос равишда, ОИВ инфекцияли оналардан соғлом болаларнинг туғилиши кўрсаткичи ҳам 99,3 фоизни ташкил этган.

ОИВ инфекциясини онадан болага юқиши бўйича ўтказилган эпидемиологик сўриштирувлар қониқарсиз ва сифатсиз ўтказилган. Натижада ОИВ инфекциясини юқиш йўллари таҳлили нотўғри олиб борилиб, ҳисоботларнинг нотўғри шаклланишига, инфекция манбасига қаратилган чора-тадбирларнинг нотўғри олиб борилишига сабаб бўлган.

ОИВ инфекциясини онадан болага юқиши бўйича ўтказилган эпидемиологик сўриштирувлар қониқарсиз ва сифатсиз ўтказилган. Натижада ОИВ инфекциясини юқиш йўллари таҳлили нотўғри олиб борилиб, ҳисоботларнинг нотўғри шаклланишига, инфекция манбасига қаратилган чора-тадбирларнинг нотўғри ташкиллаштирилишига олиб келган.

ОИВ инфекциясини онадан болага юқиши бўйича ўтказилган эпидемиологик сўриштирувлар қониқарсиз ва сифатсиз ўтказилган. Натижада ОИВ инфекциясини юқиш йўллари таҳлили нотўғри олиб борилиб,

ҳисоботларнинг нотўғри шаклланишига, инфекция манъбасига қаратилган чора-тадбирларнинг талаб даражасида амалга оширилмаган.

Амбулатор карталарда умумий кўрувлар жуда саёз ёзилган, кўкрак қафаси рентгенография қилинмаган ва фтизиатр кўриги ўтказилмаган.

Дискордант жуфтликларни текширувларга жалб этиш ҳолатлари ўта паст. Шу сабабли уларнинг соғлом шерикларига касаллик юқиб қолиш ҳолатлари қайд этилмоқда.

Туманлараро лабораторияларнинг айримлари жуда таъмирга муҳтож ҳолатда.

Вилоятларда мавжуд эпидемиологик вазият бўйича вилоят, туман хокимликларида бўладиган йиғилишларда мавжуд муаммолар муҳокамаси ташкил этилмаяпти (прокуратура ёки ички ишлар аралашмагунча).

Ретровирусга қарши терапия беморларга комиссия тарзда тавсия этилмаяпти, натижада дорига бўлган содиқлик бузилмоқда, беморлар орасида дорига сезувчанликни пасайиши, ОИВнинг дорига чидамли штаммларининг пайдо бўлиш хавфи юзага келмоқда.

Ҳомиладорлани ОИВга кеч текширилиши ва диспансер назоратига кеч олиниши, диспансер назоратини сифатсиз олиб борилиши, чақалоқлар туғилгандан кейинги уларни текширувини ўз вақтида олиб борилмаслиги натижасида, ОИВ инфекцияли оналардан туғилган болаларга ОИВ инфекцияси юқиш ҳолатлари юзага келмоқда.

Қон анализларини олиш хонасида санитария-эпидемиология ва дезинфекция тартиб-қоидаларига тўлиқ амал қилинмаяпти.

Беморларнинг вирус юкмаси юқори бўлишига қарамасдан, ёндош касалликлар профилактикаси тўлиқ ўтказилмаяпти.

Бухоро, Сурхондарё, Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш марказларида ОИВ инфекциясининг болалар орасида вертикал юқиш йўллари аниқланишида эпидемиологик текширувларнинг қониқарсизлиги; қон донорлари орасида ОИВга текширув ишларининг яхши йўлга қўйилмаганлиги; ҳудудларда шаърий никоҳлар тузилиши ҳолатларининг учраб туриши; поликлиника бўлимида беморларнинг охириги босқичларда назоратга олиниши; беморларга комиссия тарзда РҚТД тайинлашдаги камчиликлар; беморларнинг мунтазам кўрик ва таҳлиллар жалб этилишининг сустлиги; поликлиника тиббий ходимлари томонидан тиббий ҳужжатларни тўлдиришдаги камчиликлар; дискордант жуфтликлар орасида олиб борилаётган ишларнинг қониқарсизлиги; лаборатория бўлимида санитария-эпидемиология ва дезинфекция тартиб-қоидаларига риоя қилинмаслиги; айрим туманлараро лабораторияларнинг моддий-техника таъминоти ҳолатининг ўта қониқарсизлиги; айрим “Ишонч хона”ларда тиббий чиқиндиларни йиғиш, сақлаш ва йўқ қилиш тартибига риоя қилинмаслиги, бухгалтерияси ҳужжатларининг юритилишида назоратнинг сустлиги каби камчиликлар кузатилмоқда.

Аҳоли ўртасида ОИВ инфекцияси тарқалишини олдини олиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларни самарадорлигини ошириш мақсадида, билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни инобатга олган ҳолда, Кенгаш **қарор қилади:**

1. Республика ОИТСга қарши кураш маркази директори Қ.Юлдашевнинг “Республикада ОИВ инфекциясини олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида”ги маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Республикада ОИВни шифохона ичи инфекцияси тарзида тарқалишини олдини олиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар талаб даражасида эмаслиги марказ директори Қ.Юлдашевга кўрсатиб ўтилсин.

3. Бухоро, Сурхондарё, Сирдарё вилояти ва Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш марказларининг раҳбарлари томонидан ўзларига юклатилган вазифаларни бажаришда масъулиятсизликка йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Марказ фаолиятда давомида қўпол хато-камчиликларга йўл қўйганлиги сабабли, Бухоро вилояти ОИТСга қарши курашиш маркази бош шифокори М.Рахматов ва Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш маркази бош шифокори В.Баротовага нисбатан 2022 йил 18 февралда Соғлиқни сақлаш вазирининг 85-сонли буйруғи билан “хайфсан” интизомий чораси қўлланилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Сирдарё вилояти ОИТСга қарши кураш маркази бош врач (В. Шерматов)га нисбатан “хайфсан” интизомий чораси қўлланилсин.

**5. Республика ОИТСга қарши кураш маркази директори (Қ.Юлдашев):**  
биринчи навбатда жорий йил 1 июлгача Бухоро вилояти, Тошкент шаҳар ва 1 ноябргача барча ОИТСга қарши кураш марказлари фаолияти танқидий ўрганилсин ва 2022 йил 4-чоракка мўлжалланган Республика Санитария-эпидемиология Кенгаши йиғилишида қўшимча муҳокама учун танқидий маълумот киритилсин;

Бухоро, Сурхондарё, Сирдарё вилояти ва Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш марказларида ўтказилган ўрганишлар жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалга оширилган ишлари такроран ўрганилган ҳолда, масъулиятсизликка йўл қўйган раҳбарларни лавозимга лойиқ ёки нолайоқлик масаласи юзасидан таклифлар киритилсин;

беморлар бўйича олиб борилаётган эпидемиологик суриштирувларни тўғри, тўлиқ, ўз вақтида ўтказилиши ҳамда суриштирувларнинг якунига етказилиши бўйича чоралар кўрилсин ҳамда юқори ташкилотларга берилаётган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун бош врачларнинг шахсий маъсулияти ва жавобгарлиги оширилсин.

**6. Ўринбосар (Н.Атабеков), Республика ОИТСга қарши кураш маркази директори (Қ.Юлдашев):**

**икки ой муддатда:** ОИВ инфекциясига ташхис қўйишда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг бажарилиши устидан назорат кучайтирилиши, келгусида давлат муассалари ҳамда хусусий даволаш, диагностика муассаларида ушбу ҳолатлар такрорланмаслиги учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 10 сенябрдаги 15-7/811 сонли, 2.03.2020 йил 15-08/163 сонли ҳамда хусусий даволаш, диагностика бўлимларига ОИВ бўйича ишлаш учун берилган топшириқ хатлари кўриб чиқилиб, қонун талабларига мувофиқлаштирилсин;

**7. Биринчи ўринбосар (Х. Норбоев), Республика ОИТСга қарши кураш маркази директори (Қ.Юлдашев), Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари:**



**бир ой муддатда:** Барча қон қуйиш станциялар ва хусусий даволаш-профилактика муассасалари томонидан ОИВ инфекциясини аниқлаш масалалари бўйича ваколатига кирмайдиган вазифалар билан шуғулланаётган ҳолатларни текшириб, қонун ва қонун ости ҳужжатларини қўпол равишда бузаётган раҳбар ходимларга нисбатан лавозимга лойиқлик масаласини кўриб чиқиш тўғрисида Санитария-эпидемиология хизмати раҳбариятига ахборот хати киритсин.

**3-масала: Республика ўлат профилактика маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан 2021 йилда амалга оширилган ишлар, мавжуд муаммолар ва келгусидаги вазифалар тўғрисида.**

Республика ўлат профилактика маркази директори С.Саидалиевнинг “Республика ўлат профилактика маркази, унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан 2021 йилда амалга оширилган ишлар, мавжуд муаммолар ва келгусидаги вазифалар тўғрисида”ги маърузасини тинглаб, қуйидагилар таъкидланди:

Республика марказининг асосий, ёрдамчи ва виварий бинолари таъмирталаб, Қорақапоғистон филиалининг Жаслик, Тахтакўпир, Тўрткўл бўлимлари ва Зарафшон бўлими бинолари авария ҳолатида.

Марказ, унинг филиаллари ва бўлимларидаги аксарият лаборатория асбоб-ускуналари ва лаборатория мебеллари маънан эскирган, таъмирталаб.

Марказ, унинг филиаллари ва бўлимларидаги транспорт воситалари асосан 70-90 йилларда ишлаб чиқарилган бўлиб, маънан эскирган, аксарияти таъмирталаб.

Республикада ўлат профилактика маркази, унинг ҳудудий филиаллари ва бўлимлари томонидан ўлат қўзғатувчиларини аниқлаш учун ўтказилган лаборатория таҳлиллар сони йилдан – йилга кескин камайган.

Ўлатнинг табиий ўчоқларида баҳор, куз мавсумларида эпид отрядлар айрим ҳудудларда атига бир маротабадан юборилган.

Республика марказининг филиаллари ва бўлимларида ҳисобот йили давомида ўтказилган рекогносцировка натижалари асосида эпид. отрядларни ўлатнинг табиий ўчоқларига юборилиши талаб даражасида эмас. Бу ўз навбатида эпид. отрядлар фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиб, ҳудудлардаги эпизоотологик вазиятга объектив баҳо бериш имконини бермайди.

Марказ, унинг филиаллари ва бўлимлари билан Республика Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитаси, унинг жойлардаги бошқармалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик талаб даражасида эмас. Ўлатнинг табиий ўчоқларида аҳоли томонидан боқилаётган туялар ўртасида турли касалликлардан ўлган ёки мажбурий сўйилганлари тўғрисида Ветеринария хизмати томонидан Марказ, унинг филиаллари ва бўлимларига тегишли маълумотлар берилмаган.

Республика ўлат профилактика маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятидаги кузатилаётган муаммоларни бартараф этиш, фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида, масала юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни инобатга олган ҳолда, Кенгаш **қарор қилади:**

1. Республика ўлат профилактика маркази директори С.Саидалиевнинг “Республика ўлат профилактика маркази, унинг ҳудудий бўлинмалари

томонидан 2021 йилда амалга оширилган ишлар, мавжуд муаммолар ва келгусидаги вазифалар тўғрисида”ги ахборот маълумот учун қабул қилинсин.

2. Республикада ўлат профилактика маркази, унинг ҳудудий филиаллари ва бўлимлари томонидан ўлатнинг табиий ўчоқларида амалга ошираётган тадбирлар талаб даражасида эмаслиги маркази директори С.Саидалиевга кўрсатиб ўтилсин.

3. **Республика ўлат профилактика маркази директори (С.Саидалиев):**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Осиё Тараққиёт Банки ва Осиё Инфратузилмавий Инвестициялар Банки иштирокида “Ўзбекистон Республикасида коронавирус COVID-19 инфекциясига қарши шошилиш чораларни кўриш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 27 майдаги ПҚ-5129-сонли қарори асосида Санитария-эпидемиология хизматининг Моддий-техника базасини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш бошқармаси билан ҳамкорликда Ўлат профилактика маркази тизимидаги филиаллар ва бўлимларнинг тегишли бинolari, лабораториялари, ёрдамчи иншоатларни таъмирлаш, реконструкция қилиш ва янгидан қуриш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун, ўрнатилган тартибда, техник топшириқларни тайёрласин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, Марказ, унинг филиаллари ва бўлимларига юқори ўтувчанликка эга, харид қилинадиган янги транспорт воситаларининг техник параметрларини ишлаб чиқиб, Санитария-эпидемиология хизматининг Моддий-техника базасини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш бошқармасига тақдим этсин;

Республика Бош давлат санитария врачлари томонидан тасдиқланган “Республика ўлат профилактика маркази, унинг филиаллари, бўлимлари ва стационар лабораторияларини асбоб ускуналар билан жиҳозлаш табели” асосида марказ, филиаллар, бўлимлар ва стационар лабораторияларни хатловдан ўтказиб, лаборатория асбоб-ускуналари ва лаборатория мебелларига бўлган эҳтиёжни ишлаб чиқсин;

Республика ўлат профилактика маркази, унинг филиаллари ва бўлимлари томонидан 2022 йилнинг баҳор ва куз мавсумларида рекогносцировка тадбирларини талаб даражасида ўтказилишини ташкил этиб, унинг натижалари асосида эпид.отрядларни тегишли ҳудудларга юборилишини таъминласин;

Республика ўлат профилактика маркази, унинг филиаллари ва бўлимлари билан Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитаси, унинг жойлардаги бошқармалари ва бўлимлари ўртасида ўлат касаллиги профилактикаси бўйича ўзаро узвий алоқани йўлга қўйсин.

3. **Моддий-техника базасини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш бошқармаси бошлиғи (Б.Юлдашев), Республика ўлат профилактика маркази директори (С.Саидалиев):**

**бир ҳафта муддатда:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Осиё Тараққиёт Банки ва Осиё Инфратузилмавий Инвестициялар Банки

иштирокида “Ўзбекистон Республикасида коронавирус COVID-19 инфекциясига қарши шошилиш чораларни кўриш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 27 майдаги ПҚ-5129-сонли қарори асосида қурилиш, таъмирлаш, реконструкция қилиш график режасига Ўлат профилактика маркази Қорақалпоқ филиалининг Жаслик, Тахтақўпир, Тўрткўл бўлимлари ва Зарафшон бўлимлари биноларини киритиш бўйича асосли таклифлар ишлаб чиқсин.

#### **4. Биринчи ўринбосар (Х. Норбоев):**

Республика ўлат профилактика маркази директори (С.Саидалиев) билан биргаликда, Республика ўлат профилактика маркази, унинг филиаллари ва бўлимлари фаолиятидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва фаолият самарадорлигини ошириш бўйича ҳар чоракда камида бир маротаба танқидий муҳокама ўтказиб, жойлардаги мутахассисларга амалий ёрдам кўрсатиб, мунтазам назорат олиб борсин.

***4-масала: Республикада ўткир парентерал ва сурункали вирусли гепатитлар билан касалланиш ҳолати ва олиб борилаётган профилактик ҳамда эпидемияга қарши кураш чора-тадбирлари самарадорлиги тўғрисида.***

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати эпидемиология бўлими бошлиғи Л. Кудашеванинг “Республикада ўткир парентерал ва сурункали вирусли гепатитлар билан касалланиш ҳолат ва олиб борилаётган профилактик ҳамда эпидемияга қарши кураш чора-тадбирлари самарадорлиги тўғрисида”ги маърузасини тинглаб, муҳокама қилиб, қуйидагилар таъкидланди.

Сўнги 10 йил давомида (2012 – 2021 й.й.) вирусли гепатит В билан касалланиш кўрсаткичларида динамик пасайиш кузатилган.

Ҳисобот йили давомида рўйхатга олинган ўткир вирусли гепатит В барча ҳолатларининг (121 ҳолат) 72,7 фоизида юқиш омиллари аниқланган. Касалланишнинг энг кўп ҳолатлари шифохона ичи инфекция билан боғлиқ бўлиб, барча аниқланган омилларнинг орасида улуши 50 фоизни ташкил этган (44 ҳолат), 15,9% (14 ҳолат) ўткир вирусли гепатит В маиший мулоқот орқали, 14,8 % (13 ҳолат) сартарашхоналарда, 12,5% (11 ҳолат) жинсий алоқалар, 1,14%дан (1 ҳолатдан) вертикал йўли билан ва ДПМлардан ташқари кўрсатилган тиббий хизматлар орқали юқиши аниқланган.

Ҳозирги кунгача Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ва юқумли касалликлар шифохоналари мутахассислари ўртасида юқумли касалликларни тўлиқ ва ўз вақтида рўйхатга олиниши бўйича ўзаро алоқа тизимлари йўлга қўйилмаган. Мисол учун, Эпидемиология, микробиология, паразитология ва юқумли касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан 2021 йилда ҳисоботига ўткир вирусли гепатит В билан касалланган 246 нафар (СЭС маълумотларига кўра – 119 нафар), ўткир вирусли гепатит С билан касалланган 144 нафар (СЭС маълумотларига кўра – 71 нафар) бемор киритилган.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг бошқармлари ва бўлимлари ҳамда юқумли касалликлар бўлимлари ўртасида фаолиятда узвий ҳамкорлик ўрнатилмаганлиги кўрсатиб ўтилди.

Юқорида таъкидланганларни инобатга олган ҳолда, аҳоли ўртасида ўткир парентерал ва сурункали вирусли гепатитларининг олдини олиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларни самарали ташкил этиш мақсадида, билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни инобатга олган ҳолда, Кенгаш **қарор қилади:**

1. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати эпидемиология бўлими бошлиғи Л.Кудашеванинг “Республикада ўткир парентерал ва сурункали вирусли гепатитлар билан касалланиш ҳолта ва олиб борилаётган профилактик ҳамда эпидемияга қарши кураш чора-тадбирлари самарадорлиги тўғрисида”ги маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қашқадарё, Наманган, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари бошқармаларининг ўткир парентерал ва сурункали вирусли гепатитлар касалликларига ўтказилган профилактик ва эпидемияга қарши кураш тадбирлари талаб даражасида эмас деб ҳисоблансин.

3. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қашқадарё, Наманган, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари бошқармалари бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари (Ў.Йўлдошев, Ш.Ҳайдаров, Ғ.Собиров)га нисбатан “ҳайфсан” интизомий чораси қўлланилсин.

4. **Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари:**

барча даволаш-профилактика муассасалари шифокорлари, ўрта тиббиёт ходимлари учун жорий йилнинг 25 апрелига қадар ўткир ва сурункали вирусли гепатитлар профилактикаси, клиникаси, диагностикаси, даволаш, эпидемияга қарши чора-тадбирлар мавзусида онлайн (ёки масофа сақлаган ҳолда) семинарлар ўтказилсин;

вирусли гепатитларнинг ўткир шакли аниқланганда, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг шаҳар ва туман бўлимлари мутахассислари томонидан касаллик ўчоғига чикиб эпидемиологик суриштирув ўтказилиши, эпидемияга қарши чоралар ўз вақтида ташкил этилиши ва амалга оширилиши назоратга олинсин, уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатилиши таъминлансин;

касаллик юқиши хавфи юқори бўлган тиббиёт ходимларини ВГВга текширилиши, уларни вирусга қарши эмланиши, ВГС аниқланган ходимларни вирусга қарши даволаниши назоратга олинсин, ушбу тадбирларни самарали ўтказиш борасида тегишли тавсиялар берилсин;

тиббий авария ҳолатлари тўлиқ рўйхатга олинсин, тиббий авария рўй берган ҳолатларда тиббий ходимни парентерал гепатитларга текширилиши ва инфекционист назоратида бўлиши назоратга олинсин;

вирусли гепатитлар билан мулоқотда бўлганларни (бўлаётганларни) белгиланган муддатларда лаборатория усулида текшириш ҳамда гепатит А ва В касалликларига қарши эмлаш ишлари йиллик режаси тузилсин ва ижроси назоратга олинсин;

ўткир ва сурункали вирусли гепатитларни тўлиқ рўйхатга олиш мақсадида касалланиш кўрсаткичлари ҳисобот ойининг 28-29 саналарида юқумли касалликлар шифохоналари (бўлимлари) билан солиштирилсин;

**ҳар ойнинг 5 санасига қадар** олдинги ойда рўйхатга олинган парентерал вирусли гепатитлар тўғрисидаги маълумотлар (беморлар рўйхати, юқиш омиллари, юқиш манбаси ва х.к.) Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматига тақдим этилсин;

ҳудудларда тиббиёт бирлашмалар (марказий поликлиника, ОП, ОШП) томонидан сурункали гепатитлар ўчоғида бирламчи ва ҳар йили амалга оширилиши зарур бўлган эпидемияга қарши тадбирларининг ижро ҳолати ва самараси ўрганиб борилсин;

вирусли гепатитлар ташхисоти, диспансер назорати, вирусга қарши даволаш масалаларида ҳудудий гепатомарказлар билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилсин;

вилоят ҳудудидаги давлат, нодавлат тиббиёт ва бошқа ташкилотлар мутахассисларига вирусли гепатитларни олдини олиш бўйича амалий-услубий ёрдам кўрсатилсин ва аҳоли ўртасида касалликни олдини олиш тадбирлари тўғрисида тарғибот - тушунтириш ишлари олиб борилсин;

бола туғилгандан бошлаб, 24 соатдан кечикмасдан ВГВга қарши эмланиши ва мутахассисларнинг вазифалари аниқ кўрсатилган режа тузилиши таъминлансин ва ижроси назоратга олинсин.

#### **5. Ўринбосар (Н. Атабеков):**

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари томонидан йил давомида даволаш-профилактика, коммунал-маиший объектлар, эпидемик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган объектларда ўрнатилган тартибда профилактик, чеклов ва эпидемияга қарши тадбирларни тегишлилиги бўйича ижросини таъминланиши назоратга олинсин ҳамда камчиликларга йўл қўйганларга нисбатан тегишли чоралар кўрилсин.

#### **6. Эпидемиология ва юқумли касалликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи (Р. Икрамов):**

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари мутахассисларига ўтқир ва сурункали вирусли гепатитлар профилактикаси ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар бўйича доимий равишда амалий-услубий ёрдам кўрсатиб борилсин.

#### **7. Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази директори (Б. Таджиев):**

ўтқир ва сурункали вирусли гепатитлар келиб чиқиши ва профилактик тадбирларни ўтказиш бўйича илмий изланишлар кўламини кенгайтириш чораларини кўрсин.

#### **8. Республика ОИТСга қарши кураш маркази директори (Қ.Юлдашев), Биринчи ўринбосар (Х. Норбоев):**

республика бўйича даволаш-профилактика муассасаларининг бир марталик тиббий анжомларга бўлган эҳтиёжи тўғрисида таҳлилий маълумот тайёрласин.

**беш кун муддатда:** Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати эпидемиология бўлими бошлиғи (Л. Кудашева) билан биргаликда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг бошқармалари ва бўлимлари ҳамда юқумли касалликлар

бўлимлари ўртасида узвий ҳамкорликни ўрнатиб, юқумли касалликларни рўйхатга олиш, маълумотларни таҳлил қилиш ва талаб даражасида ҳисобот тақдим этиш бўйича таклиф тайёрласин.

#### **9. Биринчи ўринбосар (Х. Норбоев):**

**беш кун муддатда:** соҳа олимлари ва тажрибали мутахассисларни жалб этган ҳолда, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати лабораторияларида вирусли гепатитнинг В ва С турларини аниқлаш кўламини кенгайтириш бўйича асосли таклифлар ишлаб чиқсин;

хусусий даволаш-профилактика муассасалари фаолиятида ўтказилаётган текшириш натижалари асосида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг лицензиялаш бўлимига даврий равишда маълумот тақдим этиб боришни йўлга қўйсин;

**бир ҳафта муддатда:** амалдаги СанҚваН-0342-17 санитария қоидалари, нормалари ва гигиеник нормативларини кўриб чиқиб, марказий стерилизация бўлимлари ходимларини ўқитиш масаласи юзасидан таклиф тайёрласин; Ўринбосар (Қ.Ҳайитов), Эпидемиология ва юқумли касалликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи (Р.Икрамов), Ахборот коммуникацияларни ривожлантириш бўлими бошлиғи (Ж.Омонов) билан биргаликда юқумли касалликлар аниқланганда ҳолатларда шошилиш хабар беришни электрон дастур асосида амалга оширишга мўлжалланган ишончли тизимини яратиш чораларини кўрсин.

#### ***5-масала: Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида.***

Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти директори вазифасини бажарувчи Р. Камилванинг “Санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти томонидан амалга оширилаётган тадбирлар, мавжуд муаммолар ва келгусидаги истиқболли вазифалар тўғрисида”ги маърузасини тинглаб, қуйидагилар таъкидланди:

Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтида амалга оширилган ишлар билан бирга бир қатор, кўплаб муаммоли масалалар ҳам мавжуд. Жумладан:

институт ва унинг таркибидаги клиника биноси эскирган ва янгидан қуришга муҳтож;

клиникадаги мебель ва тиббий жиҳозлар эскирган, сўнгги 15 йил мобайнида 1 марта кроватлар алмаштирилган;

шифохонада даволанаётган беморлардан ва ходимлардан коронавирус инфекциясига намуналар олиш учун алоҳида хона ажратилмаган.

Билдирилган фикр-мулоҳалар ва таклифларни инобатга олиб, Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-текшириш институти фаолиятини тиклаш ва давлат томонидан белгиланган стратегияларни амалга оширилишини таъминлаш мақсадида, Кенгаш **қарор қилади:**

1. Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти директори вазифасини бажарувчи Р. Камилванинг “Санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти томонидан амалга оширилаётган тадбирлар, мавжуд муаммолар ва келгусидаги истиқболли вазифалар тўғрисида”ги маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-текшириш институти директори вазифасини бажарувчи (Р. Камилова):

**ўн кун муддатда** аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқилсин ва моддий-техник таъминотдан ташқари аниқланган камчиликларни 1 ой ичида бартараф этиш белгилансин;

институтнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида, санитария-гигиена долзарб масалалари бўйича илмий мавзулар танлаб олинсин ва ўрнатилган тартибда Инновация вазирлигига буюртмалар бериб борилсин;

институтда фаолият олиб бораётган ёш илмий изланувчиларни илмий мавзулари бўйича бажараётган ишларини ойлик мониторинг олиб борилсин ва белгиланган муддатлардан кечиктирмасдан ҳимояга йўналтириш чоралари кўрилсин.

**3. Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-текшириш институти директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари (М. Ҳамроқулова):**


**ўн кун муддатда:** клиникада аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин;

**ўн беш кун муддатда:** клиника диспансери фаолиятини тиклаш ва диспансер бошлиғи лавозимини қайта киритиш бўйича деректив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқилсин;

**бир ой муддатда:** амалга оширилган тадбирлар бўйича Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматига маълумот тақдим этилсин.

Кенгаш йиғилишининг мазкур қарори ижроси юзасидан назорат Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғининг биринчи ўринбосари (Х. Норбоев), ўринбосарлар (Н. Атабеков, Б.Қурбонов, Қ.Ҳайитов) зиммаларига юклансин.

Котиб



Н. Ташбаев